



## ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ВА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

*Нуруллаева Ш.У.*

*Қарши давлат университети  
педагогика фанлари доктори, professor (DSc)*

**Таянч сўзлар:** таълим, педагогик таълим, педагог, узлуксиз таълим концепцияси, педагогик тайёргарлик модели, узлуксиз касбий ривожланиш модели.

**Ключевые слова:** образование, педагогическое образование, педагог, концепция непрерывного образования, модель педагогической подготовки, модель непрерывного профессионального развития.

**Key words:** education, teacher education, teacher, concept of lifelong education, model of teacher training, model of continuous professional development.

Таълим соҳасида амалда оширилаётган қатор изланишлар асосида педагогик таълим ва педагогик тайёргарлик бўйича замонавий педагогик моделлари ишлаб чиқилди. Бу эса ўқитувчилардан педагогик таълим соҳасини ҳар томонлама ўрганишни, турли соҳаларга доир билимларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда кенг фойдаланиб келинаётган “бутун умр давомидаги таълим” (Life Long Learning) ёки узлуксиз таълим концепциясида ҳам худди шу принципга таянилади.

Узлуксиз таълим концепцияси таълим соҳасини ривожлантиришда муҳим кадам – туртки бўлди. Чунки таълим соҳасининг ҳозирги кундаги вазифаси билим олувчиларни бутун ҳаёти давомида онгида сақланадиган ва фойдаланадиган билим, кўникма ва малалакалар билан қуроллантириш эмас, балки бутун ҳаёти давомида ўқиб ўрганиши, тажрибаларини бойитиб боришига ёрдам берадиган билим олиш усулларини ўргатишга қаратилгандир. Демак, ўқитувчилар ҳам нафақат педагогик билимга, балки педагогик билим ва малакаларини фаолияти давомида узлуксиз ошириб бориш малакасига ҳам эга бўлишлари лозимдир. Қолаверса, таълим мазмуни,



ижтимоий-маданий контекстнинг доимий равишда ўзгариб бориши ўқитувчидан ҳам доимий равишда билимлари, тажрибаси ва компетенциясини янгилаб боришни, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб қилади.

Ушбу модель қатор ривожланган мамлакатларда педагогик таълим соҳасида етакчилик қилган. Чунки ўқитувчилик касби мазмуни жамият тараққиёти билан тўғри пропорционал равишда ўзгариб боради. Бу эса ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантириш (Continuous Professional Development — CPD) тушунчасининг юзага келишига асос бўлди. Ушбу тушунча билан бир қаторда ўқитувчилар малака ошириш тизими мазмунида ҳам туб ўзгаришлар юз беради. Яъни, узлуксиз малака оширишнинг асосий вазифаси ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун қулай муҳит, шароит яратишдан иборат. Бу соҳада «Mentoring» ғояси, яъни, иш жойида малакали ҳамкасблар ва экспертлар маслаҳатларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу ғоя анъанавий қўлланилиб келган “устоз-шогирд” тушунчасига яқин туради.

Бунда ўқитувчиларга иш ўрнида мутахассислиги ва иш фаолияти спецификасидан келиб чиқиб, узлуксиз касбий ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Ушбу ғояга таянган ҳолда педагогик таълимни яхшилаш борасида 2010 йилда Еврокомиссия томонидан куйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Меҳнат фаолиятининг бошланғич уч йили давомида мутахассисликка кириш дастурини киритиш;
- Тажрибали ҳамкасблари томонидан маслаҳатлар олиш;
- Малака ошириш курсларида ҳар бир ўқитувчининг ўзи ишлайдиган мактабдаги таълим соҳасини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқадиган эҳтиёжлари асосида дастурлар тайёрлаш ва муҳокама қилиш;
- Таълим жараёнида эгалланган компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган узлуксиз касбий ривожлантириш учун шароит яратиш;
- Узлуксиз касбий ривожланиш имкониятларининг мавжудлиги. Ўқув материалларининг хилма-хиллиги ва ўқитувчи эгаллаши лозим бўлган таянч компетенциялар педагогик профессионализм олдига доимий, узлуксиз малака ошириш вазифасини қўймоқда. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида “фаолиятда ўқиш” (Learning by Doing), яъни, профессионал шароитда, реал таълим бериш муҳитида ўз малакасини оширишга эътибор қаратилади.

Ҳозирги даврда, биз мустақил Ўзбекистонда кураётган демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган ўқитувчи қандай бўлиши керак? Ҳозирги замон ўқитувчисининг шахси учун энг муҳим асос - бу инсоп-парварлик йўналишидир. Ўқитувчи жуда юксак даражада умумий маданиятга эга одам. У доимий равишда ўзи устида ишлаши, илм-фан ютуқлари-



дан ҳабардор бўлиши ва ўз фаолиятида самарали фойдалана билиши ва ўз ўрнида ўқувчиларини ҳам билим олишга ундаши лозимдир. .

Демак, ўқитувчи педагогик маҳоратининг асоси ўз устида ишлаб бориш, яъни мустақил ўқишдир.

Ҳар қандай соҳада ҳам ушбу соҳа сирларини мукамал эгаллаган моҳир устаси бўлиши табиий. Моҳир мутахассис бу соҳага доир тажрибаларни фақат эгаллабгина қолмасдан, у янгиликлар қила олади ва тажрибасини оммалаштиришга ҳам эришади. Демак, педагогика соҳасининг ҳам ўз маҳоратли мутахассислари бўлиб .улар таълим-тарбияга доир муҳим янгиликлар яратиб, ўз тажрибасини тарғиб қилади. Албатта, педагогик фаолиятида доимий равишда муваффақиятларга интилиб, фаолиятиинг юксак даражада баҳоланишини ва ҳамма томондан тан олиншини истамайдиган ўқитувчи топилмаса керак. Бунга эришишини, ана шу хил орзунинг ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Унга қандай эришса бўлади? Тарбия бериш ва ўқитишда юқори натижаларга эришиш, тажрибаларини доимий равишда такомиллаштиришни тақозо этувчи ва бундай имкониятни берувчи таълим-тарбия бериш санъати бўлиб, ушбу санъатни ўз касбини ва болаларни севувчи, ўз устида тинимсиз ишловчи ҳар бир ўқитувчи эгаллаши мумкин. Маҳоратли педагог – миллий ва умуминсоний маданиятни эгаллайди, чуқур билим эгаси бўлади, тегишли фан соҳаларини яхши таҳлил қила олади, таълим-тарбия методикасини, педагогик техника асосларини мукамал эгаллаган мутахассисдир.

#### Адабиётлар:

1. Козырев Н.А., Козырева О.А. Педагогическое моделирование как продукт и метод научно-педагогического исследования // Современная педагогика. 2015. № 8 [Электронный ресурс]. URL: <http://pedagogika.snauka.ru/2015/08/4791> (дата обращения: 07.02.2019)
2. Malcoln, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). Science Education and Capacity Building for Sustainable Development. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. 5.31 p.
3. Нуруллаева Ш.У. Замоनावий педагогик таълимни моделлаштириш муаммолари // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. № 11. 2020 й. 305-308-бетлар.
4. Нуруллаева Ш.У. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик таълим жараёнида ўз устида ишлаш тизими // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари. № 12. 2020 й. 68-71-бетлар.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик соҳа мутахассисларини тайёрлашга доир замоनावий тенденциялар таҳлил қилинган. Шунингдек, педагогик таълим соҳасида фойдаланиладиган инновацион технологиялар ҳамда улардан фойдаланишнинг аҳамияти тадқиқ этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье анализируются современные тенденции в подготовке педагогических специалистов. Также исследуются инновационные технологии, используемые в сфере педагогического образования и важность их использования.

#### SUMMARY

The article analyzes current trends in the training of pedagogical specialists. Innovative technologies used in teacher education and the importance of their use are also explored.